



ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ – СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР



Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Венгрия Бош вазири Виктор Орбан 29 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 30 март куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан тор доирада учрашув ўтказди. Президент Шавкат Мирзиёев меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан кутлаб, бу ташриф икки давлат ўртасидаги алоқаларда янги даврни бошлаб беришни таъкидлади.

Виктор Орбан юртимизга келгандан мамнунлигини билдириб, Венгрия Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Музокарада сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини ўзаро ишонч ва кенг доирадаги умумий манфаатларга асосланган стратегик шериклик даражасига кўтаришга тайёр эканлигини тасдиқлади. Узоқ мuddатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли янги соҳаларни ишга солиш, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

Томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш буйича қарарлар ва ёндашувлар умумий экани тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитига қарамай Венгриядан шундай катта делегация келгани ўзаро дўстлик ва ҳурмат мустаҳкам эканидан далолат беришни таъкидлади.

Ўзбек ва венгр халқларини муштарак тарихий илдишлар, яқин ҳамкорлик ришталари бирлаштириб келади. Бугунги кунда эса Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижасида бу шериклик йилдан-йилга мустаҳкамлашиб бормоқда.

Сўнги тўрт йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми салкам уч баробарга ўсган. Мураккаб

пандемия шароитига қарамай, ўтган йили ҳам бу ижобий динамика сақлаб қолинган.

Ишбилармонлар ва ҳудудлар ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, шу йил февраль ойида Будапештда иқтисодий ҳамкорлик буйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форум ўтказилган эди. Венгрия Бош вазирининг ташрифи доирасида 29 март куни Тошкентда икки мамлакат Ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Музокарада икки томонлама ҳамкорлик бобида ҳали ишга солинмаган жуда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Шу боис асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлашни кўпайтириш, савдо ҳажми мувозанатини тенглаштириш, зарур маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Бу борада Будапештда ташкил этилаётган Ўзбекистон — Венгрия савдо уйи имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Саноат кооперацияси — ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Венгриянинг илғор тажрибаси асосида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва машинасозлик соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Ҳудудлар ўртасидаги алоқалар ҳам ривожланмоқда. Самарқанд ва Жиззах вилоятларида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни модернизация қилиш, жумладан, қишлоқ ҳўжалигини саноатлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида Венгрия тажрибасини таъбиқ этиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда Венгриядан юқори малакали экспертлар гуруҳи Ўзбекистонга келди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ҳудудлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, ҳар йили Минтақалар форумини ўтказиш таклифини билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА

Томас БАРАНЬИ,
Венгрия Ташқи ишлар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ташқи ишлар ва савдо институти директори ўринбосари:

— Биз Венгрия делегациясининг Ўзбекистонга олиб борадиган ташрифи ҳақидаги хабарни катта қувонч билан кутиб олдик. Бу воқеа икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичдан далолат бермоқда. Ўзаро ҳамкорлик халқларимиз фаровонлиги йўлида янада кенгайиб бораверади, деган умиддамиз.

Бизнинг фикримизча, яқин йилларда Марказий Осиёнинг ва минтақанинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи мунтазам ўсиб боради. Бу ҳолат Венгриянинг Ўзбекистон билан муносабатларни

яқинлашга бўлган интилишининг яна бир манфаатли жиҳатидир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик стратегияси юқори сифат кўрсаткичларига эришишга қаратилган.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ КЕНГАШДАГИ ФАОЛИЯТИ МИНТАҚАДАГИ ВА МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТТДХК, Туркий кенгаш)нинг норасмий саммитида иштирок этади. Унда ташкилотга аъзо беш давлат раҳбарлари, шунингдек, Венгрия Бош вазири кузатувчи мамлакат ва Туркманистон Президенти фахрий меҳмон сифатида видеоконференца шаклида ушбу халқаро тузилма доирасидаги ўзаро алоқалар истиқболлари, шу жумладан, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилади.

Ўзбекистон мазкур халқаро ташкилотнинг Давлат раҳбарлари кенгаши платформасида туртинчи маротаба иштирок этади. Мамлакатимиз Президенти Туркий кенгашнинг 2018 йил 3 сентябрь куни Чўлпонота шаҳрида (Қирғизистон) бўлиб ўтган саммитида биринчи марта фахрий меҳмон сифатида қатнашганди. Бир йил ўтиб, 2019 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо бўлди ва 2009 йил 3 октябрь куни имзоланган Туркий тил-

ли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди. Бир ойдан сўнг, яъни 2019 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон Боқуда Туркий кенгашнинг олий маслаҳат органида ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида қатнашди ва Президент Шавкат Мирзиёев ТТДХК еттинчи саммитида нутқ сўзлади.

▶ Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ВАКЦИНАЦИЯ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН ОМОН ЧИҚИШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ЕЧИМИ ВА КАФОЛАТИ



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири,
академик

Коронавирус пандемиясининг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли COVID-19 пандемиясининг оммавий таъсири бошқа ўлкалардагига қараганда анча оз бўлди. Инсоният аввал дуч келмаган ушбу офатга қарши мамлакатимизнинг барча тегишли тизимлари сафарбар этилгани, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва инфекция тарқалишининг олдини олиш тадбирларининг ўзаро узвийлик, тезкорлик билан жорий қилингани бунинг асосий омилларидан бири бўлди, албатта.

Пандемия даврида давлатимиз раҳбари халқимизга, шифокор ва олимларга бир неча бор мурожаат қилди. Кишиларни бирдамликка, жипсликка чорлаб, аҳоли саломатлигини сақлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканини қайта-


Кенг жамоатчилик ҳамда депутатлар иштирокидаги муҳокама ҳулосаси ва ўтказилган синовлар натижасига кўра, юртимизга Хитойдан бир миллион доза ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси келтирилди. Бу Хитой ҳамда Ўзбекистон олимлари ҳамкорлигида яратилган, клиник тадқиқотлардан ўтган, коронавирუსга қарши янги рекомбинант вакцинадир. Дунёда коронавирუს пандемияси бошланган кунлардан бугунга қадар ўтган вақт мобайнида одамларни ушбу хатардан ишончли ҳимоялай оладиган вакцинанинг қачон яратилиши барча давлат ва жамиятларнинг, шу жумладан, юртимиз аҳолисининг энг муҳим ва долзарб саволи бўлиб келди. Вилоят ва туманларга сафарларимиз чоғида ҳам, пойтахтимизда ҳам COVID-19 вирусига қарши вакцина ҳақидаги саволларга кўп дуч келяпмиз. Шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳам XXI асрнинг ушбу балосига қарши курашиш усуллари ҳақида жуда кўп савол, фикр ва мулоҳазалар чиқиб турибди.

Коронавирუსга қарши кураш мобайнида бажарилган ишларнинг қўламини ва натижалари, аҳолини COVID-19 га қарши энг самарали ва хавфсиз вакциналар билан таъминлаш борасида Президентимиз, жумладан, бундай деди: “Унинг энг маъқулини топамиз. Бизнинг иқлимимизга мос, халқимизга фойдаси кўпроқ бўладиган вакцинани сотиб оламиз. Ота-бобомиз айтганидек, етти марта эмас, ўн марта ўлчаб, бир марта кесамиз. Халқимизнинг саломатлигини ўйлаш мен учун энг катта масалалардан бири. Синовларни ўтказаяпмиз. Қайси синов маъқул бўлса, пулидан қатъи назар, халқимизга керакли миқдорда бу вакцинани албатта етказиб, олиб келамиз”.

▶ Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
“Маърифат”
тарғиботчилар
жамияти аъзоси



МАЪНАВИЯТ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари маданий ҳаётимиз равнақи, адабий-бадиий тафаккур ривожини ва ёшлар тарбияси самарадорлигига хизмат қилади.

▶ Давоми 6-бетда

ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари сони

2000/2001	ўқув йили	9802	та
2010/2011	ўқув йили	9806	та
2020/2021	ўқув йили	10181	та



Манба: Давлат статистика қўмитаси

